



«Ўзстандарт» агентлигининг сифат бўйича эксперт-аудиторларни баҳолаш
Аттестация Кенгашининг
ҚАРОРИ

2016 у. «2» август даги АТ-002 сонли

O'zDSt 5.9:2014 “Эксперт-аудиторларга Талаблар, тайёрлаш ва баҳолаш” Давлат стандартининг 10.1-бандига ҳамда “Techno Sert” МЧЖ сертификатлаштириш идораси томонидан маҳсулотларни сертификатлаштиришда йўл қўйилган камчиликларга асосан, Аттестация Кенгаши қарор қилади:

1. “Techno Sert” МЧЖ электротехника маҳсулотларини сертификатлаштириш идораси мутахассислари З.Н.Хикматовнинг (2013 йил 3 сентябрда давлат реестрига UZ.SMT.08.SMI.254-сон билан рўйхатга олинган) ва Л.Х.Нармухамедовнинг (2011 йил 3 августда давлат реестрига UZ.SMT.08.SMI.396-сон билан рўйхатга олинган) эксперт-аудиторлик унвони бекор қилинсин.

2. Аттестация Кенгаши котиби (У.Хакимов)га:

З.Н.Хикматов ва Л.Х.Нармухамедов эксперт-аудиторлар Давлат реестридан чиқарилсин ва ушбу қарор билан юқорида номи кўрсатилган мутахассислар 3 кун ичида таништирилсин;

ушбу Қарор рўйхатдан ўтказилган кундан сўнг 1 кун ичида ҳафталик муддатда “Ўзстандарт” агентлигининг веб-сайтига жойлаштирилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Мувофиқликни тасдиқлаш соҳасидаги техника сиёсати ва сифат тизимларини жорий этиш бошқармаси бошлиғи О.Тохиров зиммасига юклансин.

Бош директор
ўринбосари

Ж. Мирсаидов